

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«РАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

КУЛИЕВ ТОХИР МАМАРАЖАПОВИЧ

**ПАХТА ХОМАШЁСИ ВА ТОЛАСИНИ ТОЗАЛАГИЧЛАРИНИНГ
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
ҲИСОБЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторский (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Кулиев Тохир Мамаражапович

Пахта хомашёси ва толасини тозалагичларининг конструкцияларини ишлаб
чиқиш ва параметрларини ҳисоблашнинг илмий асослари..... 5

Кулиев Тохир Мамаражапович

Научные основы разработки конструкций и расчёта параметров
очистителей хлопка-сырца и волокна..... 31

Kuliev Tokhir Mamarajapovich

Scientific bases of design development and calculation of parameters of raw
cotton and fiber cleaners..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 62

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

«РАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ MARKAZI» АЖ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

КУЛИЕВ ТОХИР МАМАРАЖАПОВИЧ

ПАХТА ХОМАШЁСИ ВА ТОЛАСИНИ ТОЗАЛАГИЧЛАРИНИНГ
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
ҲИСОБЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/T311 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Paxtasanoat ilmiy markazi” АЖ ва Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти хузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Расмий
оппонентлар:**

Мухаммадиев Давлат Мустафоевич
техника фанлари доктори, профессор

Максудов Равшан Хасанович
техника фанлари доктори, профессор

Ахметходжаев Хамит Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация химояси Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 й. “08” 07 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел:(+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил “03” 07 куни таркатилди.
(2020 йил “02” 07 № 76 рақамли реестр баённомаси).



Б.О. Онорбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.Э. Гуламов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Ш.Ш.Хакимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги вақтда тўқимачилик ва енгил саноатда ишлатиладиган табиий толалар ичида пахта толаси асосий хом ашё ҳисобланади. Халқаро пахта консультатив кўмитаси (ICAC) нинг сўнгги маълумотларига кўра “жаҳон статистикаси бўйича пахта толасининг етакчи экспортёрлари АҚШ, Ҳиндистон, Австралия, Бразилия ва Ўзбекистон бўлса, унинг импорти бўйича эса Бангладеш, Вьетнам, Хитой, Туркия ва Индонезия етакчи ҳисобланади”¹. Шу билан бир қаторда бу мамлакатларда пахта тозалаш саноатига илғор технологияларни жадал жорий этилишига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини пасайтиришга ва унинг сифат кўрсаткичларини оширишга имкон берадиган юқори самарали машина ва механизмлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, юқори сифатли пахта толасини ишлаб чиқариш вазифасини ҳал этиш учун пахтани дастлабки ишлаш машиналарининг юқори самарадорлик билан ишлайдиган, ресурстежамкор конструкцияларини яратиш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида замонавий техника ва технологиялар тобора кенг қўлланилиши, айниқса пахта хом ашёсини йиғиштириш вақтида, унинг ифлосланган қисмини катта ҳажмларда қайта ишлаш учун технологик машина ва механизмларнинг янги авлодини яратиш, тозалаш самарадорлигини кескин оширилишини таъминлайдиган, уларнинг асосий ишчи органларининг параметрларини, юкланганлигини, иш режимларини ҳисоблашнинг илмий асосларини яратиш бўйича комплекс назарий-тажрибавий илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, пахтани дастлабки ишлашни оптималлаштирадиган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолинишини юқори даражада таъминлайдиган юқори самарали техника ва технологияларни ишлаб чиқиш соҳанинг ўта муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда пахтачилик соҳасини ривожлантириш, пахта тозалаш саноати, айниқса пахта-тўқимачилик кластерлари тизими учун техника ва технологияларни модернизациялаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан кенг қамровли комплекс чоралар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида вазифалар белгиланган бўлиб, жумладан, “... макроиқтисодий кўрсаткичларни барқарорлаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, энергия ва ресурстежамкорлигини ошириш, энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этишдир”². Бу вазифаларнинг бажарилиши, хусусан пахта хом ашёси ва толасини тозалаш машиналарини самарали, энергия тежайдиган технологиялари ва қозикли барабанлари ҳамда таъминлаш тизими оптимал жойлаштирилган, чиқиндилардан пахтани регенерацияловчи, тозалашни такрорланишини камайтирадиган, юқори сифатли пахта толаси олинишига, тозалаш режимининг оптимал параметрларини танлашга имкон берадиган конструкцияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <http://www.statistuca.com>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони, 2016 йил 21 декабрдаги №ПҚ-2687 сонли “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада риволантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида” ва 2016 йил 22 декабрдаги №ПҚ-2692-сон “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида ҳамда бу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.³

Ўрта толали пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва толани тозалаш жараёнида қўлланиладиган техник воситалардан самарали фойдаланиш, уларнинг ишлаш муддатини ошириш ва конструкцияларини такомиллаштириб бориш бўйича комплекс назарий-амалий илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан «Platt Lummus», «Continental GinCompany», «Samuel Jackson Mfg. Corporation», «Consolidated Cotton Gin Co.», «Continental Eagle Corporation» (США), «Lummus Company», «Hardwicke Etter Company», «Continental Moss-Gorden», «Continental Murray», «Cotton researchand development corporation» (Австралия), Shandong Swan Cotton Industries Limited, Handan Goldon Lion, Cotton Research Instituteof Nanjing Agricultural University, National Research «Center for cotton processing engineering and technology», «China Cotton Industries Limited» ва «Lebed» (Хитой) ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва “Рахтасаноат ilmiy markazi” АЖ (Ўзбекистон) ташкилотларида олиб борилмоқда.

Бу соҳада жаҳон миқёсида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари бўйича қатор янгиликларга эришилди, шу жумладан Мосс-Гордон фирмасининг пахтани йирик ифлосликлардан аррали тозалагичи, Континенталь фирмасининг генерацион секцияли тозалагич-таъминлагичи, Плат – Люммус фирмасининг икки босқичли аэродинамик тола тозалагичи, «Люммус-супер 128», «Хардвик-Эттер» (АҚШ) фирмаларининг пахтани йирик ифлосликлардан тозалагичи, Хитойнинг МУ-171 русумли аррали жини ва “Рахтасаноат ilmiy markazi” АЖ (Ўзбекистон) да ишлаб чиқилган 4ДП-130, 5ДП-130, ДР-119, ДПЗ-180 ҳамда УХК, 1ХК, ЧХ-5, РХ тозалагичлари, массаси катта бўлган аррали цилиндрларни ҳисоблаш усули (Кострома технология университети, Россия), пахтани қайта ишлаш технологик машиналари ишчи органларини тебранма ҳаракати қонунлари олинди (Иваново давлат политехника университети, Россия), пахта хом ашёсидан ифлосликларнинг

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.samjackson.com/moisture-products>; <http://www.bajajngp.com/humidifier>; <http://www.busa.com.br/Assistencia-Tecnica#>; <https://www.acronymfinder.com>, Journal of Cotton Science 4/2015. The USA. The Cotton Foundation. Journal of Textile Science & Engineering. 3/2014. The USA (2001-2016) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ажралиш қонуниятлари аниқланди (Texas Tech University, АҚШ), пахтани дастлабки ишлаш машиналарини ҳисоблаш усули (ТТЕСИ, “Paxtasanoat ilmiy markazi” АЖ, Ўзбекистон).

Пахта хом ашёси ва толасини тозалашнинг техника ва технологияларини такомиллаштириш йўналишида дунё миқёсида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан пахтани тозалашнинг модул тизимини яратиш, тозалашнинг аэромеханик усуллари, тозалаш такрорланишини камайтириш, ишчи органларнинг кинематик ва динамик ҳисоблаш методларини яратиш, технологик параметрларни оптималлаштириш, қозикли барабанлар, колосниклар, йўналтиргич ва ажратилувчи барабанларни энг қулай компоновкада жойлаштириш усулларини ишлаб чиқиш, пахта ва тола тозалагичларнинг юритиш механизмларини ўз ичига олган машина агрегатларини динамик ҳисобининг илмий асосларини яратиш, ифлосликларни максимал даражада ажралишини ва толанинг табиий хусусиятларини таъминлаган ҳолда такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта хом ашёсини тозалаш ва регенерациялаш ҳамда тола тозалагичларнинг ишидаги асосий муаммо - бу йирик ва майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлигининг пастлиги, тола ва чигитларнинг юқори даражада шикастланиши, чиқиндилардан пахтани регенерациялаш самарасининг етарли эмаслиги, тола тозалаш такрорланишини кўплиги, талаб этилган қувватнинг юқорилиги ва ҳ.к. Қайд этилган муаммоларни ҳал этишга бир қатор олимлар, жумладан Н.Н.Schommer, N.I.Kolchin, W.Pampel, G.Veit, F.Reiner, J.Pfeifer, С.О.Jonkers, А.М.Martinenko, L.Gladinewiez, P.Pfieger, P.Bernard, А.Р.Корабельников ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари бағишлаган.

Пахта хомашёси ва толасини ифлос аралашмалардан тозалаш учун янги техника ва технологияларни яратиш ва амалдагиларини такомиллаштириш, уларнинг технологик параметрларини ва ишчи органларининг ҳаракат режимларини оптималлаштириш бўйича мамлакатимизнинг куйидаги олимлари илмий тадқиқотлар олиб боришган: Г.И.Мирошниченко, Р.З.Бурнашев, Г.Д.Джаббаров, С.Д.Балтабаев, Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, Б.И.Роганов, И.К.Хафизов, Х.К.Турсунов, А.Расулов, А.Джураев, Э.Т.Максудов, А.Е.Лугачев, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Мурадов, Р.Х.Максудов, М.Т.Ходжиев, А.П.Парпиев, А.К.Усмонкулов, Ш.Ш.Хакимов, Д.М.Мухаммадиев, Х.К.Рахмонов, И.Д.Мадумаров, А.Х.Бобоматов, А.Олимов, О.Саримсоқов, Р.Ш.Сулаймонов ва бошқалар.

Тадқиқотларнинг таҳлилига кўра, уларнинг аксарияти пахта хом ашёси ва толасини тозалашнинг технологияларига бағишланган бўлиб, тозалагичларнинг ишчи органлари ва механизмларининг кинематикаси ва динамикаси етарли даражада тадқиқ этилмаган. Олиб борилган тадқиқотларда ишчи органларининг ҳаракат режимларини ва уларнинг динамик параметрларини асослашда юритма элементларининг бикрлик-диссипатив хусусиятлари, электр юритгичнинг характеристикалари, айланма тебраниш, шовқин кўрсаткичлари етарли даражада ўрганилмаган, тозаланаётган пахтанинг технологик юкланиши ҳамда унинг тозалаш самарасига таъсири амалда ҳисобга олинмаган. Изланишлар асосан пахта хомашёси ва толасини ифлос аралашмалардан тозалаш технологиясини такомиллаштиришга ва чиқиндилардан пахтани регенерациялаш муаммоларга йўналтирилган бўлиб, ишчи

органлар ва юритиш механизмларининг динамикаси етарли даражада ўрганилмаган. Шуларга боғлиқ ҳолда пахта хом ашёси ва толаси тозалагичларининг самарали, энергия тежайдиган технологиялари ва барча ишчи органлари ҳамда таъминлаш тизими мақбул компоновкада жойлаштирилган, чуқур динамик тадқиқотлар асосида параметрлари аниқланган конструкцияларни яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш соҳа учун муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Paxtasanoat ilmiy markazi” АЖ нинг илмий тадқиқот режаси доирасида қуйидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича бажарилган: БФ-2-019 “Пахта тозалаш корхоналарида пахта чигитини линтерлаш ва линт тозалашнинг энергия ва ресурстежамкор технологик жараёнларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш” (2019-2021); БВ-Атех-2018 (241+209) “Пахта толасининг тозалаш самарадорлиги юқори бўлган автоматлаштирилган аррали жин ускунасини ва пахта толасини пресслашдан олдин намлашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020); БВ-Итех-2018 (41+46) “Юқори самарали икки барабанли тола тозалагични яратиш ва уни Республика пахта тозалаш корхоналарида жорий этиш” (2018-2019); ОТ-Атех-2018-188 “Пахтани майда ифлосликлардан тозалагичининг юқори самарали конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослаш” (2018-2020).

Тадқиқотнинг мақсади асосан пахта хом ашёсини майда ва йирик ифлос аралашмалардан тозалагичларининг ҳамда пахта регенератори ва тола тозалагичларнинг конструкцияларини такомиллаштиришга, ишчи органлар ва механизмларининг юқори сифатли пахта толаси олинишини таъминлайдиган параметрлари ҳамда ҳаракат режимларини асослаш бўйича ҳисоблаш усулларини яратишга йўналтирилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта хомашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалагичларининг ҳамда пахта регенератори ва тола тозалагичларнинг ресурстежамкор ва юқори самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш;

пахта хомашёсини тозалагичлари, регенератори ва тола тозалагичнинг машина агрегатлари динамика масаласини, электр юритгич механик характеристикасини, юритиш механизмлари бикрлик-диссипатив хусусиятларини, инерцион параметрлар, пахта хом ашёси ва толасидан келаётган қаршилиқларни инобатга олиб ечиш асосида ишчи органларни бурчак тезликларини ва юкланишларининг ўзгариш қонуниятларини олиш;

пахта тозалагичлари, регенератори ва тола тозалагичларнинг ишчи органларининг кинематик ва динамик параметрларининг унумдорликка боғлиқлик графикларини қуриш ва таҳлилар асосида уларнинг энг мақбул қийматларини асослаш;

пахта тозалагичи иш унумдорлигининг турли қийматларида юкланганлик, талаб этилаётган қуввати, қозикли барабаннинг бурчак тезлиги ва тезланишининг ўзгариш қонуниятларини тажрибада аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

тозалагич иш унумдорлиги ва ишчи режим тезлиги ўзгарганда қозикнинг пахта бўлақларига зарба кучини ўлчаш усулини ишлаб чиқиш;

пахта хом ашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалагичларнинг ҳамда пахта регенератори ва тола тозалагичларнинг оптимал параметрларини тўлиқ омилли тажрибалар натижалари орқали аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида пахта хом ашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалагичлари ҳамда пахта регенератори ва тола тозалагичи олинган.

Тадқиқот предмети сифатида конструктив схемалар, ишчи органлар ҳаракатини ифодалайдиган динамик ва математик моделлар, боғланиш графиклари, асбоблар ва қурилмалар, ҳаракат қонунлари ҳамда тозалагич, пахта регенератори ва тола тозалагичнинг тавсия этилаётган ишчи параметрлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида технологик машиналар механикаси, машина агрегатлари динамикаси, тебранишлар назарияси, пахта хомашёсини дастлабки ишлаш технологияси, олий математика, назарий механика ва бошқа фундаментал ҳисоб усуллари қўлланилган. Экспериментлар тензометрия усулларига асосланган, тезланиш датчиклари ва магнитоэлектрик усуллардан фойдаланилган ҳамда тажрибаларни режалаштириш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта тозалагич, регенератор ва тола тозалагичнинг ресурстежамкор ва юқори самарали конструкциялари ишлаб чиқилган;

пахта ва тола тозалагич машина агрегатларининг динамик ва математик моделларини тузиш усуллари ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг ечими асосида ишчи органлар бурчак тезликлари ва юкланганлигининг ўзгариш қонуниятлари олинган;

пахта тозалагичлари, регенератори ва тола тозалагичларнинг ишчи органларининг кинематик ва динамик параметрларининг иш унумига, инерция моментларини ва юриткич механизмлари бикрлик-диссипатив характеристикаларига боғлиқлик графиклари қурилди ва уларнинг таҳлили асосида оптимал қийматлари асосланди;

пахта тозалагич иш унумдорлигининг турли қийматларида юкланганлик, талаб этилаётган қуввати, қозикли барабаннинг бурчак тезлиги ва тезланишини тажрибада аниқлаш усули ишлаб чиқилди;

тозалагич иш унумдорлиги ва ишчи режим тезлиги ўзгарганда қозикнинг пахта бўлақларига зарба кучини ўлчаш усули ишлаб чиқилди;

пахта хом ашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалагичларининг ҳамда пахта регенератори ва тола тозалагичнинг оптимал ишчи параметрлари тўлиқ омилли тажрибалар натижасида аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган пахта хомашёсини тозалагичлар, регенератор ва тола тозалагич конструкцияларини қўллаган ҳолда самарали компановкадаги пахтани тозалаш тизими тавсия қилинган;

юқори тозалаш самарасини, чигит ва тола шикастланишини пасайтирилишини таъминлайдиган, юқори иш унумдорлигида ресурс тежалишини амалга оширадиган

ишчи органлар (қозикли, аррали ва бошқа барабанлар)нинг мақбул параметрлари ва иш режимлари асослаб берилди.

Олинган натижаларнинг ишончилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг ўзаро мослиги, ҳисоблашларда стандарт усуллар ва воситалардан фойдаланилганлиги ҳамда тавсия қилинган пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалагичлар, регенератор ва тола тозалагичнинг конструкцияларини реал иқтисодий самарадорлик асосида ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот ишининг илмий аҳамияти пахта ва тола тозалагичларнинг ишчи органлари ҳаракатини ифодаловчи динамик ва математик моделларини олиш, масалаларнинг сонли ечимлари асосида тавсия қилинган машиналар ишчи органлари ҳаракат қонунларининг, параметрларини боғланиш графикларининг, ҳаракат режимларининг, технологик, кинематик ва динамик параметрларининг оптимал қийматлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тозалаш жараёнларини ва регенерациялашни интенсификациялаш ҳисобига, иш ресурсини ошириш, юритгичларнинг сарф қувватини пасайтириш ҳисобига юқори унумдорликда сифатли пахта толасини олишни таъминлайдиган, пахтани йирик ва майда ифлосликлардан тозалагичлар, регенератор ва тола тозалагичнинг конструкцияларини такомиллаштиришдан иборат. Ишлаб чиқилган конструкцияларни самарали компоновка қилиш асосида пахтани қайта ишлаш тизими тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.

Ишлаб чиқилган ПТ-10, 1ХКМ-12 пахта тозалагичлари, регенератор 2РХ-М, бир босқичли тола тозалагичларнинг самарали ва ресурстежамкор конструкциялари асосида патент олиш учун 11 та ариза топширилган ҳамда:

Фарғона вилоятининг “Бағдод тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси” АЖ ишлаб чиқариш тизимига модернизация қилинган пахта хом ашёсини йирик ифлосликлардан тозалагич машинаси жорий этилди (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 27.03.2020 йилдаги №01-32/1135 маълумотномаси). Натижада ПТ-10 тозалагичининг ишлаб чиқилган конструкцияси паст навли пахта навларини тозалаш самарасини серияли тозалагичга нисбатан (1,9÷2,5) % оширишга имкон берди. Шу билан бирга сифат кўрсаткичлари 0,2 % абс.га, унумдорлик эса 8,0 т/с га ошди.

Фарғона вилоятининг “Бағдод тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси” АЖ ишлаб чиқариш тизимига 1ХКМ-12 пахта хом ашёсини майда ифлосликлардан тозалаш машинаси жорий этилди (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 27.03.2020 йилдаги №01-32/1135 маълумотномаси). Натижада 1ХКМ-12 тозалагичининг жорий этилиши билан 1ХК серияли тозалагичга нисбатан тозалаш самараси 7,7% га ошди ва сифат кўрсаткичлари 0,2 % абс.га яхшиланди.

Фарғона вилоятининг “Бағдод тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси” АЖ ишлаб чиқариш тизимига 2РХ-М пахта чиқиндиси регенераторининг жорий этилиши (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 27.03.2020 йилдаги №01-32/1135 маълумотномаси) натижасида, чиқиндиларнинг пахта бўлакчалари билан биргаликдаги вазни 1690 кг., ажратилаётган чиқиндилар таркибидаги пахта бўлакчаларининг вазни эса 310,0 кг (18,3%)ни ташкил этди. Натижада тозалашдан

кейинги ажратилган чиқиндилар тақибининг таҳлили бўйича тозалашдан кейинги миқдори 0,3% ни ташкил этди ва регенерация самараси тегишли ҳолда 98,3% ни ташкил этди.

Сурхондарё вилоятининг “Сурхондарё агрохизмат” МЧЖ қошидаги пахта тозалаш корхонасида бир босқичли тола тозолагичининг конструкцияси жорий этилди (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 27.03.2020 йилдаги №01-32/1135 маълумотномаси). Натижада тавсия этилган тола тозолагичининг жорий этилиши 1ВПУ серияли тозолагичга нисбатан тозалаш самараси (6,0÷6,5) % га ошди, тозаланган толадаги ўлик ва ифлос аралашмалар миқдори 0,3% га, тола тозолагич чиқиндиларининг толадорлиги 1,8-1,9% га камайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 16 та шу жумладан 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган, ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий ишлар чоп этилган, шундан 27 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда, шу жумладан 2 та монография чоп этилган ва 11 та Ўзбекистон Республикасининг патентига ариза берилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 215 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Пахта хомашёси ва толасини тозалаш техникаси ва технологияси ривожланишининг таҳлили”** деб номланган биринчи боби пахта хомашёси ва толасини ифлосликлардан тозолагичларининг конструкцияларини такомиллаштириш, ишчи органларини ҳисоблаш усуллари бўйича адабиётларнинг таҳлилига бағишланган, пахта хомашёсини йирик ва майда ифлосликлардан тозалаш, регенерациялаш, толани тозалаш зоналаридаги конструктив элементларининг камчиликлари аниқланган. Бу муаммоларнинг аксарияти куйидаги олимлар: Г.И.Мирошниченко, Р.З.Бурнашев, Г.Д.Джаббаров, С.Д.Балтабаев, Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, Б.И.Роганов, И.К.Хафизов, Х.К.Турсунов, А.Расулов, А.Джураев, Э.Т.Максудов, А.Е.Лугачев, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Мурадов, Р.Х.Максудов, М.Т.Ходжиев, А.П.Парпиев, А.К.Усмонкулов, Ш.Ш.Хакимов,

О.Саримсоков, Д.М.Мухаммадиев, Х.К.Рахмонов, И.Д.Мадумаров, А.Х.Бобоматов, А.Олимов, Р.Ш.Сулаймонов ва бошқаларнинг тадқиқотларида бир қатор ечимлар топилганлигига қарамасдан ишчи органлар ва юритиш механизмларининг динамик тахлили етарли даражада ўрганилмаган. Шуларга боғлиқ ҳолда пахта хом ашёси ва толаси тозалагичларининг самарали, энергия тежайдиган технологиялари ва барча ишчи органлари ҳамда таъминлаш тизими оқилона жойлаштирилган, чуқур динамик тадқиқотлар асосида параметрлари аниқланган конструкцияларни яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш соҳа учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.


Диссертациянинг **“Пахта ва толани янги тозалагичларининг самарали, ресурстежамкор схема ва конструкцияларини ишлаб чиқиш”** деб номланган иккинчи бобида пахта хомашёси ва тола тозалагичлари, регенерациялаш агрегатларининг ишлаб чиқилган янги конструктив схемалари келтирилган.

Такмиллаштирилган пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан ПТ-10 тозалагичи таркиби иккита таъминловчи валикдан иборат таъминлаш секцияси (1) ва иккита титувчи қозикли барабан 2, қоплама 3, йўналтирувчи 4, нов 19 иккита аррали цилиндр 5, 6 ни ўз ичига олган тозалаш секцияси, 10, 13 қотирувчи колосниклар ва 11, 14 тозаловчи колосникларга ҳамда 8, 9 планкали ажратувчи барабанга эга бир дона аррали цилиндр 7 ни ўз ичига олган регенерация секциясидан иборат. Аррали цилиндр 5, 6 лар оралиғида тозалаш секциясида қайтарувчи қалқонча 17 ўрнатилган 5, 6 ва 7 аррали цилиндрларга қия ҳолда 4, 12 йўналтирувчи новлар жойлаштирилган. Тозалагичнинг қуйи тирқиши қия новларнинг қуйи қирраларидан ҳосил топган. Таъминловчи валикларнинг диаметри худди серияли тозалагичларникидек 140 мм, титувчи чивикли барабанларники 300 мм, тутиб қолувчи цилиндрларники ҳам 300 мм, планкали ажратувчи барабан 284 мм бўлиб, улар эгилган швеллердан ясалган. ПТ-10 тозалагичи тозалаш самараси ошган ҳолда сарф қуввати пасаяди.

Сериядаги регенераторнинг асосий камчиликлари пневмотаъминлагич ва ишчи органларининг конструкцияси билан боғлиқ. Тозалагичлардан чиққан чиқиндилардан пахта бўлакчаларини ажратиб олувчи тавсия қилинган 2РХ-М регенератори схемаси 2-расмда акс эттирилган. Регенератор корпусида қуйидаги асосий ишчи органлар ўрнатилган: қозикли барабан 1, асосий 2 ва регенерацион 3 аррали цилиндрлар қотирувчи 4, 5 ва тозаловчи 6, 7 колосниклар, планкали ажратувчи барабан 8 ва ифлосликларни олиб кетувчи шнек 9 билан бирга ишлайди. Унинг ағдарувчи тирқишига клапанли тубус 10 уланган. Регенератор корпусининг ён томонларига юқори қопқоқ 11, олд 12 ва орқа 13 деворчалари тегиб туради. Олд деворча 12 ва юқори қопқоқ 11да кириш 14 ва чиқиш 15 тирқишлари мавжуд. Уларга мос равишда кириш 16 ва чиқиш 17 қисқа қувурлари уланган. Корпусда 18, 19, 20 канал ҳосил қилувчи тўсувчи новлар, қалқонча 21, йўналтирувчи новлар 22, 23, 24 қопламали тўсиқ 25 ва тоғора 26 жойлаштирилган.



**1-расм. Пахтани йирик
ифлосликлардан тозалагичнинг умумий
кўриниши схемаси**




**2-расм. Пахта хом ашёси янги
регенераторининг схемаси**

Янги регенераторда РХ регенераторидан фарқли равишда келаётган чиқиндилар қозикли барабан таъсири остида титилади, уларнинг қатлами эса узунлик бўйича чўзилиб, қалинлиги камаяди ва бу ўз навбатида аррали цилиндр 2 га бир текис ва тўпланиб қолмасдан узатилишини таъминлайди, натижада аррали цилиндр 2 нинг ўтказиш қобилияти ортади.

Аррали цилиндр 2, 3 ларнинг, қозикли барабан 1 ва шнек 9 нинг юритмаси РХ регенераторига ўхшаш равишда қуввати 4,0 кВт, планкали ажратувчи барабан юритгичи учун 3,0 кВт етарлидир. Янги регенератор аррали цилиндрлар 2, 3 нинг диаметри ресурси ишлаб бўлган жин арраларидан аррали дисклар яшаш мақсадида 300 мм га тенг қилиб танланган.

Тозалагич схемаси 3-расмда келтирилган. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, тозалагичнинг тавсия этилган конструкциясида 12 дона қозикли барабан ўрнатилган бўлиб, у 1ХКМ-12 русуми билан белгиланган.




**3-расм. Модернизациялаштирилган
пахта хом ашёсини майда
ифлосликлардан 1ХКМ-12 русумли
тозалагичининг
конструктив схемаси**

Тозалагичда ўн иккита титувчи барабанлар 3 мавжуд бўлиб, уларнинг остида перфорацияланган сеткалар 4, таъминловчи валиклар 2, уч дона бункер 5 ва шахта 1 жойлаштирилган. Бу тозалагичда сериядаги тозалагичдан фарқли равишда таъминловчи валиклар 2 титувчи барабанлар 3 нинг юқорисидан жойлашган ва улар учинчи барабандан кейингисидан бошлаб ўрнатилган. Иш жараёнида пахта хомашёси таъминловчи валиклар 2 билан титувчи

барабанлар 3 га узатилади, улар ўз навбатида пахтани юқоридан транспортировка қилиб, кейинги барабан томонга узатади, ўз навбатида қозикли барабанлар 3 пахта хомашёсини перфорацияланган сеткалардан 4 ўтказиб, шахта 1 га етказиб беради ва тозалагичдан тушириб олинади. Пахта хомашёси титувчи барабанлар 3 билан

ташилганда ундан йирик ва майда ифлос аралашмалар ажралиб тушади ва улар ҳаво оқими билан перфорацияланган сеткалар 4 дан ўтиб бункер 5 га тушади ва унинг остидаги тирқиш 6 орқали тозалагичдан чиқарилади.

Тола тозалагичларда аррали цилиндрлар мустаҳкамлиги паст бўлгани сабабли валлари эгилади ва бунинг оқибатида технологик тирқишларнинг бузилишига ҳамда толанинг қўшимча шикастланишига олиб келади. Тола тозалагичнинг тавсия этилаётган конструкцияси 4-расмда келтирилган. У рама 1, корпус 2 дан иборат. Корпусда чекка 3, 4 ва 5 ўрта пардевор билан тўсилган бўлиб, уларга подшипник 8, 9 ларнинг корпусларини ва аррали цилиндр 10 ни ўрнатиш учун 6, 7 таянчлар мавжуд. 3, 4 ва 5 пардеворларида аррали цилиндрлар остида колосниклар 11 қотирилган. Аррали цилиндрлар таркибида валлар 12 ва уларга кийгизилган арралар 13 бор. Толаларни арра тишлари 13 томонидан ушлаб қолинишини яхшилаш учун улар бир оз (2^0) қия холда ва оралиқ масофаси (6 мм) қилиб ўрнатилади. Бунинг учун арралар оралиғига махсус қистирмалар ўрнатилади.



4-расм. Толали материалнинг бир босқичли тозалагичи

Арраларнинг қиялиги унинг валидаги икки дона тортувчи гайкалар 15 ва тўрт дона эгри шайбалар 16 ни тортиш орқали эришилади. Аррали валлар 12 нинг ариқчаларида шпонкалар қотирилган ва улар бўйлаб арралар 13 валга кийгизилади. Валларнинг бир учида унинг диаметри бўйича таянч камари мавжуд бўлиб, унга эгри шайба 16 суяниб туради. Тола тозалагичнинг тагида ифлосликларни чиқариш механизмли ифлосликлар камераси 19 жойлашган бўлиб, олд 20 ва орқа 21 деворларида жалюзи 22 ўрнатилган. Тола тозалагич жин билан тўғри тўртбурчак шаклидаги қисқа қувур 23 билан туташган бўлиб унинг бир томони жиннинг қисқа қувурига, бошқа томони эса тола тозалагичнинг корпусидаги кириш 24 га уланган. Тола тозалагичда тикилиш ҳосил бўлмаслиги учун тўғри тўртбурчак шаклидаги қисқа қувур 23 да олд томони 26 силлиқ ичи бўш пардевор 25 ўрнатилади ва у орт қисми 27 нинг эни билан арраларнинг бир қисмига таъсир этади. Тола тозалагичнинг корпусида тола чиқариш тирқиши 28 бор.

Диссертациянинг “Пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалагичларнинг юритиш механизмларини ўз ичига олган машина агрегатларининг динамикаси” деб номланган учинчи бобида пахта хомашёси ва толасини тозалаш ва чиқиндилардан пахта бўлакларини регенерациялаш машина агрегатларининг ишчи органлари динамикаси бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган. 1ХКМ-12 тозалагичи машина агрегатининг динамик модели икки тизимдан иборат бўлиб, биринчиси-беш массали, иккинчиси-уч массали икки тармоқли. 1ХКМ-12 пахтани майда ифлосликлардан тозалагичи машина агрегатининг ҳаракатини ифода этувчи дифференциал тенгламалар таъминлагич юритиш механизмини ўз ичига олган машина агрегати учун:


$$\begin{aligned} \dot{M}_\delta &= 2M_K \omega_c - 2M_K \cdot \rho \cdot \dot{\varphi}_p - \omega_c S_K M_\delta, \\ J_p \cdot \ddot{\varphi}_p &= M_\delta - c_1 \cdot (\varphi_p - u_{p1} \cdot \varphi_{K1}) - c_2 \cdot (\varphi_p - u_{p2} \cdot \varphi_{K2}) - \varepsilon_1 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p1} \cdot \dot{\varphi}_{K1}) - \varepsilon_2 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p2} \cdot \dot{\varphi}_{K2}); \\ J_{K1} \cdot \ddot{\varphi}_{K1} &= c_1 U_{p1} \cdot (\varphi_p - u_{p1} \cdot \varphi_{K1}) + \varepsilon_1 U_{p1} \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p1} \cdot \dot{\varphi}_{K1}) - M_{K1} - M_{K1}^I; \\ J_{K2} \cdot \ddot{\varphi}_{K2} &= c_2 U_{p2} \cdot (\varphi_p - u_{p2} \cdot \varphi_{K2}) - c_3 \cdot (\varphi_{K2} - u_{23} \cdot \varphi_\varepsilon) + \varepsilon_2 U_{p2} \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p2} \cdot \dot{\varphi}_{K2}) - \\ &- \varepsilon_3 \cdot (\dot{\varphi}_{K2} - u_{23} \cdot \dot{\varphi}_\varepsilon) - M_{K2} - M_{K2}^I; \\ J_\varepsilon \cdot \ddot{\varphi}_\varepsilon &= c_3 U_{23} \cdot (\varphi_{K2} - u_{23} \cdot \varphi_\varepsilon) + \varepsilon_3 U_{23} \cdot (\dot{\varphi}_{K2} - u_{23} \cdot \dot{\varphi}_\varepsilon) - M_{TP} - M_{34}; \\ J_n \cdot \ddot{\varphi}_n &= U_{23} \cdot M_{34} - M_x - M_{45}; \\ J_n^I \cdot \ddot{\varphi}_n^I &= U_{45} \cdot M_{45} - M_x. \end{aligned} \quad (1)$$

1ХКМ-12 тозалагичи жуфт қозикли барабанлар юритмасини ўз ичига олган машина агрегатининг ҳаракати қуйидаги тенгламалар орқали ифодаланади;


$$\begin{aligned} \dot{M}_\delta &= 2M_K \omega_c - 2M_K \cdot \rho \cdot \dot{\varphi}_p - \omega_c S_K M_\delta, \\ J_p \cdot \ddot{\varphi}_p &= M_\delta - c_1 \cdot (\varphi_p - u_{p1} \cdot \varphi_1) - \varepsilon_1 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p1} \cdot \dot{\varphi}_1) - c_2 \cdot (\varphi_p - u_{p2} \cdot \varphi_2) - \varepsilon_2 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p2} \cdot \dot{\varphi}_2); \\ J_1 \cdot \ddot{\varphi}_1 &= c_1 U_{p1} \cdot (\varphi_p - u_{p1} \cdot \varphi_1) + \varepsilon_1 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p1} \cdot \dot{\varphi}_1) - M_1 - M_1^I; \\ J_2 \cdot \ddot{\varphi}_2 &= c_2 U_{p2} \cdot (\varphi_p - u_{p2} \cdot \varphi_2) + \varepsilon_2 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p2} \cdot \dot{\varphi}_2) - M_2 - M_2^{II}. \end{aligned} \quad (2)$$

(1) дифференциал тенгламалар системаси биринчи икки қозикли барабанлар учун, (2) дифференциал тенгламалар системаси учинчи ва тўртинчи қозикли барабанлар учун олинган. Бу ҳолда кейинги жуфт қозикли барабанлар 5-12 учун ҳам (2) дифференциал тенгламалар мос келади. (1) ва (2) дифференциал тенгламаларнинг сонли ечимлари асосида қозикли барабанлар, электр юритгич роторининг бурчак тезликлари, юритгичнинг юкланганлиги ўзгаришининг қонуниятлари аниқланди. Юритгич роторининг ва қозикли барабанларнинг аниқланган ҳаракат қонунлари тахлили шуни кўрсатдики, тизим барқарор режимга пахтанинг технологик юкланганлигида 2,9 с вақт ичида чиқиб олади. Бунда электр юритгич ҳаракатлантирувчи моментининг тебранишлар частотаси, қозикли барабанлар ва электр юритгич роторининг бурчак тезликлари, 1ХКМ-12 тозалагичи зонасининг пахта билан таъминланиши технологик юкланганлигининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Қурилган график боғланишлар 5 ва 6 расмларда келтирилган. Бу ерда шуни белгилаб ўтиш керакки, қозикли барабанларнинг қисман нотекис айланиши пахтанинг самарали титилишига ва ифлос аралашмаларнинг ажралишига ёрдам беради. M_K нинг 2,6 Нм дан 19,5 Нм гача ортиши $J_{K1}=2,8 \text{ кгм}^2$ ва $J_{K2}=3,4 \text{ кгм}^2$ қийматларда биринчи қозикли барабани нотекис

айланишининг 0,009 дан 0,112 гача ортишига олиб келади, қозикли барабанлар инерция моментининг катта қийматларида бурчак тезликларининг нотекислик коэффициентлари $\delta_{k1}=0,012\div 0,13$ ва $\delta_{k2}=0,011\div 0,101$ чегарасида бўлади. Тажриба натижаларидан маълумки, аррали тозалаш секцияларида тозалаш самарасининг кескин ортишига $\delta \geq (0,15\div 0,25)$ қийматларда эришилади. Шунинг учун 1ХКМ-12 тозалагичи машинасида зарур бўлган тозалаш самарасини таъминлаш учун параметрларни тавсия этилган қийматлари қуйидагилардан иборат бўлади: $M_k \leq (14,0\div 16,0)$ Нм; $J_{k1}=(2,2\div 2,8)$ кгм²; $J_{k2}=(3,0\div 3,4)$ кгм², $J_1=J_2=(2,0\div 2,2)$ кгм²; $J_5=J_6=\dots=J_{12}=(1,8\div 2,0)$ кгм².



Бу ерда, 1,2 - $M_g = f(M_k)$ Н; 1,3,5- бунда $J_{k1} = 3,2$ кгм²; $J_{k2} = 3,9$ кгм²; 2,4,6 - бунда $J_{k1} = 2,8$ кгм²; $J_{k2} = 3,4$ кгм²; 3,5- $\delta_{k1} = f(M_k)$; 4,6- $\delta_{k2} = f(M_k)$; 5-расм. Электр юриткич ротори валидаги айлантирувчи момент ва биринчи иккита қозикли барабанлар валларидаги бурчак тезлик нотекислик коэффициентининг пахта юкламаси ўзгаришига боғлиқлик графиклари.



Бу ерда, 1- $\Delta\phi_{k1} = f(C_1)$; 2- $\Delta\phi_{k2} = f(C_2)$; 3- $\Delta\phi_1 = f(\Pi_p)$; 4- $\Delta\phi_3 = f(C_2)$; 5- $\Delta\phi_5 = f(C_1)$; 6- $\Delta\phi_6 = f(C_2)$; 7- $M_g = f(C_1, C_2)$; 8- $M_{k1} = M_{k2} = f(C_1, C_2)$; 9- $M_5 = M_5 = f(C_1)$; бунда $M_{k1} + M_{k2} = 12 + 1,5 \sin\omega t$ (Нм), $M_{k2} + M_{k2} = 14 + 1,7 \sin\omega t$ (Нм). 6-расм. Қозикли барабанларнинг бурчак тезликлари ўзгариш қамровини ва юкланишлар моментининг қайишқоқ узатмаларнинг айланма бикрлик коэффициентларини ўзгаришига боғлиқлик графиклари

Қайишқоқ узатманинг c_1 айланма бикрлик $0,5 \cdot 10^2$ Нм/рад дан $3,4 \cdot 10^2$ гача ошганда $\Delta\phi_1$ 36 с^{-1} дан $16,6 \text{ с}^{-1}$ гача камайишига олиб келади ҳамда тегишли ҳолда $\Delta\phi_5$ ҳам $10,1 \text{ с}^{-1}$ дан $2,1 \text{ с}^{-1}$ гача камаяди (7-расм). Белгилаб қўйиш муҳимки, c_1 ва c_2 ларнинг ортиб бориши чизикли бўлмаган қонуниятга кўра M_d нинг ўсишига олиб келади. Пахта қозикли барабанлар томонидан ташиб олиб ўтилганда уларнинг бурчак тезликларининг тебраниш қамрови пахтанинг тегишли қаршиликлари ҳисобига катта бўлади. Пахтанинг титилганлик даражаси бошида етарли бўлмасада, кейинроқ янада титилганроқ бўлади. Шу сабабли тасмали узатмаларнинг бикрлиги пахтани ташиб олиб ўтиш давомида камайиб борадиган бўлиши керак. Бундан келиб чиққан ҳолда тавсия этиладиган айланма бикрликлар коэффициентлари $c_1=(220\div 250)$ Нм/рад; $c_2=(270\div 330)$ Нм/рад; $c_3=(180\div 200)$ Нм/рад қийматларда бўлиши керак. Биринчи уч жуфт қозикли барабанларнинг узатмаларида параллел равишда учтадан, кейинги уч жуфт қозикли барабанларнинг узатмаларида эса иккитадан тасма ўрнатилиши керак. Тегишли ҳолда биринчи уч электр юриткичларни 3,0 кВт дан, кейинги учтасини эса қувватини 2,2 кВт қилиб танлаб олиш керак, шунда қозикли барабанларнинг талаб этилган ҳаракат режими ва пахтани майда ифлосликлардан тозалашнинг зарур

самараси таъминланади. Шу билан бирга машинанинг иш ресурси 20% гача ошади, электр энергияси сарфи эса (5,0÷5,5) кВт га пасаяди.

ПТ-10 тозалагичининг кинематик схемаси ўз ичига 4AM132M6Y1, P=7,5 кВт, n=950 айл/мин; 4AM132S6Y2, P=5,5 кВт, n=960 айл/мин; DELIXIEM60GIRSTB4, P=1,5 кВт, n=1000 айл/мин, редуктор RV-0,75; I=1/100 русумли уч дона асинхрон юритгичларни олган. ПТ-10 тозалагичда уч дона машина агрегатлари мавжуд бўлиб, биринчиси чизикли уч массали тизимдан ташкил топган бўлиб, массалари ўртасида бикр узатмалардан иборат, иккинчиси – планкали ва биринчи қозикли барабанларнинг тасмали узатмали тўрт массали чизикли тизимдан иборат, учинчиси эса аррали ва иккинчи қозикли барабан ҳамда ифлосликларни чиқарувчи шнекдан иборат тасмали узатмали олти массали иккига тармоқланувчи тизимдан ташкил топган.

Таъминловчи валиклар узатиш механизмли машина агрегати учун:

$$\frac{\omega_0 - \dot{\varphi}}{\omega_0} = \frac{S_K}{2M_K} M_\delta + \frac{1}{2\omega_0 M_K} - \dot{M}_\delta$$

$$J_{np1} \cdot \ddot{\varphi}_p = M_\delta - c_{pn} \cdot (\varphi_p - u_{p21} \cdot u_p \cdot \varphi_n) - \epsilon_{pn} \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p2} \cdot u_p \cdot \dot{\varphi}_n);$$

$$J_{np.n} \cdot \ddot{\varphi}_n = U_{p2} \cdot U_p \cdot C_{pn} (\varphi_p - u_{p2} \cdot u_p \cdot \varphi_n) - U_{p2} \cdot U_p \cdot \epsilon_{pn} \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{p2} \cdot u_p \cdot \dot{\varphi}_n) - M_{m1} - M_{cp} - M_0 \sin \alpha t;$$

$$J_{n1} \cdot \ddot{\varphi}_n = U_{m1} \cdot M_{m1} - M_{cp} - M_1 \sin \alpha t; \tag{3}$$

Планкали ва қозикли барабанлар узатиш механизмини ўз ичига олган ПТ-10 машина агрегати учун:

$$\frac{\omega_0 - \dot{\varphi}}{\omega_0} = \frac{S_K}{2M_K} M_\delta + \frac{1}{2\omega_c M_K} - \dot{M}_\delta,$$

$$J_p \cdot \ddot{\varphi}_p = M_\delta - c_1 \cdot (\varphi_p - u_{\delta n1} \cdot \varphi_1) - \epsilon_1 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{\delta n1} \cdot \dot{\varphi}_1) \tag{4}$$

$$J_1 \cdot \ddot{\varphi}_1 = U_{\delta n1} \cdot C_1 (\varphi_p - u_{\delta n1} \cdot \varphi_1) + U_{\delta n1} \cdot \epsilon_1 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{\delta n1} \cdot \dot{\varphi}_1) - C_2 (\varphi_p - u_{12} \cdot \varphi_2) + U_{\delta n1} \cdot \epsilon_2 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{12} \cdot \dot{\varphi}_2) - M_1;$$

$$J_2 \cdot \ddot{\varphi}_2 = U_{12} \cdot C_2 (\varphi_1 - u_{12} \cdot \varphi_2) + U_{12} \cdot \epsilon_2 \cdot (\dot{\varphi}_1 - u_{12} \cdot \dot{\varphi}_2) - C_3 (\varphi_2 - u_{23} \cdot \varphi_3) - \epsilon_3 \cdot (\dot{\varphi}_2 - u_{23} \cdot \dot{\varphi}_3) - M_2;$$

$$J_3 \cdot \ddot{\varphi}_3 = U_{23} \cdot C_3 (\varphi_2 - u_{23} \cdot \varphi_3) - U_{23} \cdot \epsilon_3 \cdot (\dot{\varphi}_2 - u_{23} \cdot \dot{\varphi}_3) - M_3;$$

бу ерда, $M_1 = M_{1M} \pm \delta(M_{1M})$; $M_2 = M_{2M} \pm \delta(M_{2M})$; $M_3 = M_{3M} \pm \delta(M_{3M})$.

ПТ-10 тозалагичи аррали барабанлари ва иккинчи қозикли барабанлар узатиш механизмларини ўз ичига олган машина агрегати учун:

$$\frac{\omega_0 - \dot{\varphi}_n}{\omega_0} = \frac{S_K}{2M_K} M_\delta + \frac{1}{2\omega_c M_K} - \dot{M}_\delta;$$

$$J_p \cdot \ddot{\varphi}_p = M_\delta - c_1 \cdot (\varphi_p - u_{\delta 1} \cdot \varphi_1) - \epsilon_1 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{\delta 1} \cdot \dot{\varphi}_1) \tag{5}$$

$$J_1 \cdot \ddot{\varphi}_1 = U_{\delta 1} \cdot C_1 (\varphi_p - u_{\delta 1} \cdot \varphi_1) + U_{\delta 1} \cdot \epsilon_1 \cdot (\dot{\varphi}_p - u_{\delta 1} \cdot \dot{\varphi}_1) - C_2 (\varphi_1 - u_{12} \cdot \varphi_2) - C_3 (\varphi_1 - u_{13} \cdot \varphi_3) - \epsilon_2 \cdot (\dot{\varphi}_1 - u_{12} \cdot \dot{\varphi}_2) - \epsilon_3 \cdot (\dot{\varphi}_1 - u_{13} \cdot \dot{\varphi}_3) - M_1;$$

$$J_2 \cdot \ddot{\varphi}_2 = U_{12} \cdot C_2 (\varphi_1 - u_{12} \cdot \varphi_2) + U_{12} \cdot \epsilon_2 \cdot (\dot{\varphi}_1 - u_{12} \cdot \dot{\varphi}_2) - M_2;$$

$$J_3 \cdot \ddot{\varphi}_3 = U_{13} \cdot C_3 (\varphi_1 - u_{13} \cdot \varphi_3) + U_{13} \cdot \epsilon_3 \cdot (\dot{\varphi}_1 - u_{13} \cdot \dot{\varphi}_3) - C_4 (\varphi_3 - u_{34} \cdot \varphi_4) - \epsilon_4 \cdot (\dot{\varphi}_3 - u_{34} \cdot \dot{\varphi}_4) - M_3;$$

$$J_4 \cdot \ddot{\varphi}_{s4} = U_{34} \cdot C_4 (\varphi_3 - u_{34} \cdot \varphi_4) + U_{34} \cdot \epsilon_4 \cdot (\dot{\varphi}_3 - u_{34} \cdot \dot{\varphi}_4) - C_5 (\varphi_4 - u_{45} \cdot \varphi_5) - \epsilon_5 \cdot (\dot{\varphi}_4 - u_{45} \cdot \dot{\varphi}_5) - M_4;$$

$$J_5 \cdot \ddot{\varphi}_5 = U_{45} \cdot C_5 (\varphi_4 - u_{45} \cdot \varphi_5) + U_{45} \cdot \epsilon_5 \cdot (\dot{\varphi}_4 - u_{45} \cdot \dot{\varphi}_5) - M_5;$$

бу ерда, $M_4 = M_{4M} \pm \delta(M_{4M})$; $M_5 = M_{5M} \pm \delta(M_{5M})$.

Таъминловчи валикларнинг ишида асосийси пахтани бир текис узатилиши ҳисобланиб, у таъминловчи валиклар парраklarининг сони, уларнинг ПТ-10

машинасининг унумдорлигига кўра юкланганлигига боғлиқ. Таъминловчи валиклар бурчак тезлиги тебранишларини ўзгариш қонуниятлари унумдорликнинг турли қийматларида олинди. Шунини белгилаб қўйиш керакки, $\Delta\dot{\phi}_n$ ва $\Delta\dot{\phi}_{n'}$ ларнинг ортиб бориши пахтани етказиб бериш бир текислигини пасайтиради, баъзи ҳолларда эса узатилаётган пахтанинг текилишига олиб келади. Экспериментал тадқиқотлар натижалари бўйича шу нарса аниқландики, таъминловчи валиклар айланиш тезлигининг бир текислигини таъминлаш муфтанинг эластик элементлари ва таъминловчи валикларнинг келтирилган инерция моментлари параметрларини танлаб олинишига боғлиқ. ПТ-10 тозалагичи таъминлагичининг иш режимини ҳисобга олган ҳолда $\Delta\dot{\phi}_n \leq (0,8 \div 1,0) \cdot 10^{-1} \text{ с}^{-1}$ ва $\Delta\dot{\phi}_{n'} \leq (1,1 \div 1,5) \cdot 10^{-1} \text{ с}^{-1}$ шартларини таъминлаш учун тавсия этиладиган таъминлагичнинг параметрлари қуйидагича бўлиши керак: $P_p \leq 2,5 \frac{\text{т}}{\text{с}}$; $J_n = 0,21 \text{ кгм}^2$; $J_{n'} = 0,23 \text{ кгм}^2$; $C_{pn} = (120 \div 140) \text{ Нм/рад}$; $v = (3,8 \div 4,2) \text{ км} \cdot \text{с/рад}$.


ПТ-10 тозалагичи машина агрегатини динамикаси масалаларини ечиш асосида шу нарса маълум бўлдики, тозалагичнинг иш унумдорлиги ошган сайин тасмали механизмли планкали ва қозикли барабанларининг бурчак тезликларининг ўртача қийматлари пасаяди, бу ҳолда бурчак тезликлари ўзгаришини тасодифий қийматлари унинг ўртача қийматларининг $(5,0 \div 6,0)\%$ дан ошмайди. Бунда планкали барабанларининг бурчак тезликларининг номинал қийматлари бир хил, яъни $\dot{\phi}_1 = \dot{\phi}_2 = 100,5 \text{ с}^{-1}$ бўлади. Бирок, юқоридаги планкали барабан иккита аррали барабан билан ўзаро таъсирда бўлгани учун унинг тезлиги пастдаги барабанга нисбатан пахтанинг ортиқча қаршилиги сабабли кўпроқ пасаяди.

